

ЁШЛИК БАҲОРИ

Шеърлар



Қарши
«Насаф» нашриёти
2013

84(54)7-Узб. адаб

УДК У3.2
ББК 84 (5Узб)-3
Ё 83

*Ушбу муъжаз тўплам «Устоз-шогирд»
анъанасини давом эттирган ҳолда навниҳол
қаламкашларнинг ижод намуналаридан
таркиб топган.*

*Уларнинг келажакдаги ижодларига
баркамоллик, теранлик, суз қадри
масъулияти ҳамиша ҳамроҳ бўлиб қолсин.*

Ю 40929
0

Т $\frac{4702620202-10}{376 (02) 2013}$ 10-2013

© Тўплам, 2013 й.

© «Насаф» нашриёти, 2013 й.

ISBN 978-9943-18-113-7

3/45
3208

САМИМИЙ ТУЙҒУЛАР

Шеърят турфа ифорли гулзорга ухшайди. Биз сизга тавсия этадиган “Ёшлик баҳори” номи билан жам этилган ушбу тупламнинг ҳар бир сатрида узгача олам кашф этилади. Тупламнинг аҳамияти шундаки, бунда “Устоз-шогирд” анъанаси давом эттирилган. Болалар шоираси, «Олтин қанот» шеърый туплам муаллифи Насиба Ибрагимова узининг болаларбоп шеърлари ва шогирдлари ижодидан намуналарни саралаб мухлисларга тақдим этган.

Тупламда Шаҳноза Чориева, Мафтуна Жураева, Асилбек Нурматов, Эътибор Амирова, Шаҳноза Жумақуловаларнинг илк изланишлари-ю ижод намуналари жой олган. Китобдаги ёшларнинг дилкаш сатрлари қалбимизга жуда яқин:

Тошкент пойтахтимиз-миллий куркимиз,
Самарқанд, Бухоро-бизнинг мулкимиз.
Авлиё боболар ҳоки шундадир,
Шундан зеболанур бизнинг юртимиз.

Болаларча ифтихор, болаларча топқирликдан кунглинг қувонади. Бу сатрларни уқиганингизда бугунги ёшларга ҳавасинг ортади, боиски, улар юрт жамоли, шаъни шуҳрати, миллий гурурини чинакам юракдан сезиб, таъмини тотиб яшаётганига гувоҳ буламиз:

Шодлигин яширмай сайрайди қушлар,
Инсонлар табриклаб, бир-бирин хушлар.
Бахшилар кунгилдан чертади торин,
Соғиндим юртимнинг шундай баҳорин...

Бу 5 нафар ижодкор бир-бирлари билан баҳс этиб, уз ижод намуналарини бир жойда туплаб, туплам

қилишга жазм этган экан, бу журъатли ёшларни қутлагим келди. Боиски, ниятлар улуг, ижодга ихлос бор. шу юрт тупроғини, баҳори-ю истиқлолни севади, онажонлари-ю, устозларига меҳри булак:

Мустақил улкасан, муқаддас Ватан,
Фаҳр-ифтихорим сенга булур шаън.
Ҳурматим баланддир, эй, олий маскан,
Ватаним, бебаҳо жаннатмаконсан.
Борлигим гузаллик азиз диёрсан.

Ушандай ўз сузини айтмоққа шошаётган, қалбини шу юрт жамолини мадҳ этишга чоғлаётган, узича кашф этишга бел боғлаган ижодкорларга, уларнинг бошини қовуштириш, ёшлик баҳори ифорини оламга ёймоққа чоғланган устозига, болаларча бегубор туйғулар барчаларига умри давомида ҳамроҳ булиб қолишини истайман.

Шарофат АШУРОВА,
Узбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.



Насиба Ибрагимова-1974 йилда тугилган. Узоқ йиллардан буён ижод қилиб келади. Шеър ва мақолалари туман, вилоят, республика матбуотида эълон қилинган. Болаларга бағишланган “Олтин қанот” номли шеърый туплам муаллифи. Айти пайтда “Сандувоч” газетасида мухбир бўлиб ишлайди.

ОНАЖОНИМ

Онажоним сузингизни,
Меҳр тула кузингизни.
Сал кўрмасак қўмсаб яна,
Соғинамиз узингизни.

Сиз жаҳонда тенги йўқсиз,
Ҳаётимда ёруғ юлдуз,
Шунчалар ҳам меҳрибонсиз.
Болажоним деб чопасиз.

Чорлаб турган моҳитобсиз,
Зилол сувдек, оҳанг-обсиз,
Сиз табаррук дилда борсиз,
Биз юлдузмиз, сиз офтобсиз,
Онажоним!...

ОЛТИН ҚАНОТ

Сизга ҳавасим келади шунчалар,
Олтин қанот бўлди қушчалар.
Келажакка омон етсинлар,
Муродига албат етсинлар.

Кузларида бегуборлик бор,
Учмоққа шай гуё олам тор.
Қароғи чақнайди шодликдан,
Булар болалар-болаликдан.

Олтин қанотларим бор бўлсин,
Сизга парвоз-омад ёр бўлсин.
Сизга ҳавасим келади шунчалар,
Олтин қанот булган қушчалар.

ГУЗАЛ ҲАЁТИ БОР УҚИТУВЧИНИНГ

...Доскалар олдида утади умр,
Учириб, кучириб утади умр.
Болага бойланиб кетади умр
Гузал ҳаёти бор уқитувчининг.

Матнлар ўқийди, чарчаш билмайди,
Саноқлар санайди чарчаш билмайди.
Нафақа ёшда ҳам тиним бўлмайди,
Гузал ҳаёти бор уқитувчининг.

Устозлар бор бўлсин, доим соғ бўлсин,
Шогирд меҳри сизга ҳамроҳ бўлсин.
Болалар кузида қуёшлар кулсин,
Гузал ҳаёти бор уқитувчининг.

БАРКАМОЛ АВЛОД

Сиз баркамол авлод илдизи,
Алпомиш йигитлар Барчиной қизи.
Улуғ истиқлолнинг порлоқ юлдузи,
Юртимнинг баркамол авлодларисиз.

Бошингиздан эрк нурлари сочилар,
Маърифатнинг эшиклари очилар.
Илм ила муаммолар ечилар,
Юртимнинг баркамол авлодларисиз.

Китоб мудом дустингиз эрур,
Илм ортидан зафарлар келур.
Келажак сизники, албатта, булур,
Юртимнинг баркамол авлодларисиз.

ҚАЛДИРҒОЧ

Дала қирни гулга буркаб,
Ташриф қилди баҳор яна.
Умр эса утар шошиб,
Қалдирғоч келди ана.

Қалдирғочим, яхшилиқни,
Урганайлик биз сендан.
Қиш буйи кутдик сени,
Соғинибмиз-да чиндан.

Қалдирғочим, гузал қушим,
Хуш келдинг уйимизга.
Гузал баҳор элчиси бул,
Ин қур айвонимизга.

АЖОЙИБ СОВҒА

Камола шу йил биринчи синфга чиқади. Тезроқ мактабга боргиси келяпти. Қизчани эргаштириб ота — онаси мактаб бозоридан лозим булган форма, оёқ кийим, оппоқ пайпоқ олиб беришиб, Камолани хурсанд қилишди.

Камола хурсандлигидан оламга сиғмасди. Аммо у йулда ота-онаси энг керакли нарсани унутганларини билиб қолди:

-Ойижон, дадажон, мен мактабга борсам, китобларимни нимага соламан?- деди,- Сумка эсингиздан чиқибди.

-Вой менинг ақлли қизим, нега эсимиздан чиқар экан, сумкангиз аллақачон тайёр, фақат ҳозирча бу срда эмас,- деди ойижониси қизининг пешонасидан упиб.

-Ҳа билдим-дадамнинг ишхонасида булса керак, тезроқ бориб олайлик!

-Йўқ, ақлли қизим, Камолахон, сизга мактаб сумкани дарс бошланган куни Президент бобонгиз совға сифратида жунатадилар,-деди дадаси жилмайиб.

-Вой, қандай яхши, мен ҳаммадан эртароқ мактабга бораман, бобожонимга раҳмат айтаман!-деди қувончи ичига сиғмасдан.

-Қизим, бобожонингиз сизга сумка билан барча укув куруллари юбориб, набираларим аъло баҳоларга уқисин, илмли болалар булсин дея орзу қиладилар-да.

-Ойижон, Севара дугонам ҳам мактабга чиқади, у ҳам Президент бобомиздан совға оладиларми?-деди шошиб.

-Албатта, Узбекистондаги барча болалар Президент бобонгиздан совға оладилар. Ҳаммангизни баробар яхши курадилар. Набираларим дунёда энг доно, бахтли болалар булсин дейдилар-да.

-Мактабга борсам фақат аъло баҳоларга уқийман!-дея аҳд қилди Камола.



Шаҳноза Чориева-1994 йил Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида туғилган. Шеър ва мақолалари туман, вилоят, республика матбуотида эълон қилинган. Ҳозирги пайтда Деҳқонобод Агробизнес ва транспорт коллежи талабаси. “Соғинч шамоли” шеърый туплам муаллифи.

УЗОҚ УМР ТИЛАЙМАН

Ухламай чиқасиз фарзандим бор деб,
Ҳеч қачон бермайсиз ўзингизга зеб.
Бир ташвин тушса-чи, чопасиз доим,
Узоқ умр тилайман, сиз аёлларга.

Сиз бахтли булсангиз хурсанд буламиз,
Денгиздай шивирлаб тулиб тошасиз.
Қадрингизга етиб эъозлаймиз,
Узоқ умр тилайман, сиз аёлларга.

Сиз кулиб юрасиз шунинг узи бахт,
Сиз азиз зотларга қуражакмиз тахт,
Яхши фарзанд булишга бугун қилдик аҳд,
Узоқ умр тилайман, сиз аёлларга.

МУСТАҚИЛ ВАТАН

Мустақил улкасан, муқаддас Ватан,
Фахр-ифтихорим сенга булур шаън.
Ҳурматим баланддир, эй олий маскан,
Ватаним, бебаҳо жаннатмаконсан,
Борлиги гузаллик азиз диёрсан.

Жаҳон узра ҳилпирар юртим байроғи,
Эзгу-мақсад ниятимнинг йўқдир адоғи.
Фаҳрлансам арзигулик қалбим чироғи,
Ватаним, бебаҳо жаннатмаконсан,
Борлиги гузаллик азиз диёрсан.

Танамда жуп уриб кезганида қон,
Сенга чексиз муҳаббатим бўлади аён.
Йироқлашсам қумсағайман васлингни ҳар он.
Ватаним, бебаҳо жаннатмаконсан,
Борлиги гузаллик азиз диёрсан.

ОРЗУЛАРИМ

Дунёда барча зот яхшилик қилса,
Доимо бир-бирига суянчиқ булса.
Бир дақиқа, бир он айрилса агар,
Бир аср курмадим дея бақирса.

Айтинг-чи бундай зот дунёда қанча?
Унтами, юзтами, мингтами, айтинг?
Яхшилар купайсин дунёда шунча,
Ёмонлар йулини доим қайтаринг.

НАВРУЗИМ

Богимизда бодом гуллади,
Севинишиди барча болалар.
Кунгилларин хушнуд айлади,
Қоядаги қизил лолалар.

Қаҳратоннинг созуқ кунлари,
Утиб кетди, эриди қорлар.
Куни тенгдир, тенгдир тунлари,
Барчамизни байрамга чорлар.

Навруз куни бугдой унибди,
Тонг саҳардан қилдик сумалак.
Бу таомни барча севади,
Шу туфайли айтдик биз тилак.


Ҳофизларнинг тилида қушиқ,
Билдиради энг яхши ният.
Кун мусаффо, кечқурун илиқ,
Уйнаш учун топилди фурсат.

Оҳ, баҳорим, келдингму дея,
Ой паришон, юлдуз эса жим.
Кунгилларни шух-шодон айлаб,
Шодлик булиб қайтгин, Наврузим!

БАҲОР

Бағри-дилигни очиб,
Ифорларингни сочинг.
Барчани хурсанд қилиб,
Баҳоройим, хуш келдинг.

Қирларда бойчечаклар,
Бирдек бизларга ёқди.
Тоғлардаги безаклар,
Баҳор гулини тақди.



Мафтуна Жураева-1993 йил Қарши шаҳрида тугилган. Ёшлигидан шеърлар, мақолалар ёзиб туради. Унинг ижодий ишлари республика ва вилоят нашрларида чоп этиб келинмоқда. Шеърлари “Қашқадарё баёзи”, “Камолот ёғдуси” тўпламларига киритилган. Немис тили фанидан вилоят босқичи бўйича икки марта олимпиада ғолиби.

БОЛАЛИГИМ

Утирибман уйчан соҳил бўйида,
Хаёлларим кўчди болалигимга.
Беташвиш уйнардим қулда қўғирчоқ,
Қанийди қайтсам гул-лолалигимга.

Инсонга берилсайди икки бор умр,
Ёзардим ёшликнинг нурли битигин.
Беҳуда йўқотмасдан ҳар икковин.
Болалик-ла безардим бор кемтигин.

Гудак орзу қилар: катта бўлсайдим.
Яшардим узимча, доимо эркин.
Менда-чи хаёлда гоҳо бедорлик,
Қанийди, болалик қайтсайди секин.

Хаёлим булинди қулги сасидан,
Шух-шодон уйнарди икки қизалоқ,
Сойнинг ҳув нариги, унг қирғоғида,
Улар уйинидан яшнар ҳул қумлоқ.

ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ

Ассалом Қаршимнинг шуҳ гулюзлари,
Осмонда порлаган, ой – юлдузлари.
Ибо-хаёлидир, мудом ўзлари,
Ўзбегимнинг гузал – гунча қизлари!

Шохи атлас сизга гулдек ярашар,
Сиз билан гамгусор кўнгиллар яшнар.
Анорга қиёсдир қирмиз юзлари,
Ўзбегимнинг лобар – дилбар қизлари!

Шеър битсам ожиздир, қўлда қаламлар,
Нурафшон сиз билан ёруғ оламлар.
Оҳуга ухшашдир қаро кўзлари,
Ўзбегимнинг шахло – барно қизлари!

ЮРТИМ БАҲОРИ

Энг гузал яхшилик фаслидир баҳор,
Қандай ажойибдир бу азиз наҳор.
Тоғлар куз-куз қилар ўзин виқорин,
Соғиндим юртимнинг шундай баҳорин.

Шодлигин яширмай сайрайди қушлар,
Инсонлар табриклаб, бир-бирин хушлар.
Бахшилар кўнгилдан чертади торин,
Соғиндим юртимнинг шундай баҳорин.

Дейдилар юртимни нурафшон улка,
Завқ-шавқ берар унинг чиройи дилга.
Яна таърифлайин айтинг қай бирин,
Соғиндим юртимнинг шундай баҳорин.

ОТА-ОНАМ ДУОЛАРИ

Онам айтар: «Уқи қизим олим булгин,
Бу дунёда юзимизни ёруғ қилгин».
Отам айтар: «Меҳрли бул, бахтга тулгин,
Бу дунёда оқу қорани ҳам билгин».
Онам айтар: «Ёмонларга булма ёмон,
Доим эзгуликлар билан бирга юргин».
Отам айтар: «Бошинг тутгин қибла томон,
Иймонсизга иймонниям тилаб тургин».
Онам айтар: «Ҳечам меҳрингни аяма,
Меҳрли инсонларгина етар бахтга».
Отам айтар: «Ишончларим сундирмасанг,
Ишончларим элтар сени биллур тахтга».

УСТОЗ

Устозинг ким? Сўрасалар,
Жавобини айтай сизга.
Наҳот буни билмасалар,
Номусдир ҳар угил-қизга.

Устозим бу, отам-онам,
Устозим бу, акам, опам,
Устозим бу, ўқитувчим,
Таъзим қилиш доим бурчим.

ИСТИҚЛОЛНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА

Қайга борсам номингни Ватан,
Учмас дилга муҳрлагайман.
Кузга суриб тупроқ-тафтингни,
Онам каби сени билгайман.

Ҳамма хурсанд, кулгу юзида,
Яна гузал чиройинг очдинг.
Барқ уфуриб куннинг кузида,
Қуёш каби нурингни сочдинг.

Ана, қара қушчалар шодон,
Куйламоқда бастиб-бўйингни.
Ватан қадрин билмаган нодон,
Келиб кургин юртим туйини.

Замонавий иморатларинг,
Тукиб турар ажиб салобат,
Юрт қадрини билмай юрганлар,
Тупроғингдан топди ҳаловат.

Порлаб турар тунда чироқлар,
Курк қушиб, юртим кўркиннга.
Нам бўлмасин энди қароқлар,
Куз тегмасин, элим, ҳуснингга.

ОНА ТИЛИМ

Боболарим сўйлатган бу суюк тилим,
Момоларим алла айтган буюк тилим,
Мирзо Бобур соғинган бу куюк тилим,
Ватанимиз тилидир бу она тилим!

Сен борсан забоним ҳам чексиз эрур,
Сен ҳақдаги наводан яйрар дилим.
Ўзбек тилим сўзлаганда тоғ ҳам эрир,
Миллатимиз нақшидир бу она тилим!



Асилбек Нурматов-1999 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Айни пайтда Қарши шаҳридаги 26-мактабнинг аълочи ўқувчиларидан. Асилбек шеъриятга ҳаваси баландлиги боис шеърлари вилоят газеталарида ёритилган. Ҳозирда Қарши шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар марказидаги “Ёш журналист ва нотик” шеърият клубининг фаол иштирокчиси.

СИНГЛИМ

Жажжи синглим Севинчхон,
Тиллари жуда бийрон.
Куйлаклари чиройли,
Бошлари булсин омон.

Ака дейди, чопади,
Қайга борсам топади.
Мендан утиб кетади,
Муродига етади.

Мактабга борсам дейди,
Кулиб турар кўзлари.
Отлансам гар мактабга,
Силкиб қўяр қўлларин

ОЙМОМОЖОН

Булутларни оралаб,
Аста-аста юради,
Юлдузларга мен боқсам,
Менга қараб туради.

Оймоможон осмонни,
Нурафшон қилавергин.
Тинчлик тилаб ҳаммага,
Ялтираб юравергин.

БОБОЖОН

Бобожоним, жон бобо,
Дунёда энг меҳрибон.
Сизни яхши кураман,
Доим булинг соғ-омон.

Омон булинг, бобожон,
Меҳрибонсиз ҳар қачон.
Бизлар борсак меҳмонга,
Доим кулиб турасиз,
Доим хурсанд бўласиз.

КАПАЛАК

Капалакжон, капалак,
Баҳордан бердинг дарак.
Капалакжон капалак,
Гуллар билан сен халак.

Баҳорни соғиндингми?
Гуллар ичра кирасан.
Гулларни ҳидлаб доим,
Гулзор ичра юрасан.

Капалакжон, капалак,
Баҳорда келдинг яна.
Гулзор булди гулларим,
Учиб, ҳидлаб юр мана.

Сен баҳорнинг элчиси,
Гулзорларда юрасан.
Сен баҳорнинг ҳуснисан,
Капалакжон, капалак.

СИНФДОШЛАРИМГА

Ҳеч нарсадан камингиз йўқ,
Еб-ичишдан гамингиз йўқ.
Нега узлаштирувчилар,
Орасида номингиз йўқ?

НОН

Қобилжон ақлли бола. Лекин озроқ эрка булиб усди. Қобилжон мактабдан келиб онажонисига салом берди ва шундай деди:

-Ҳорманг, ойижон!

-Соғ булгин болам, -деди онаси, тандирга нон ёпиб.

Онаси Қобилжонга тезроқ овқатланишини айтиб, сунгра ишга кўмаклашишини тушунтирди. Қобилжон эса иссиқ нон пишишини кутиб, дастурхондаги совуқ нонни емай, четга суриб овқатини еди. Ойиси эса пишган нонларни саватга солиб олиб келди. Углининг бу одатини курган онаси шундай деди:

-Қобилжон, ноннинг совугани ҳам нон.

Қобилжон уялиб, бошқа бундай иш қилмасликка аҳд қилди. Ноннинг ушоғи ҳам нон. Ноннинг ҳеч қачон ушоғини исроф қилмаслик керак.

КАБУТАР

Тинчлик қуши узингсан,
Осмонларда учасан.
Тинчлик тилаб, барчага,
Булутларни қучасан.



Эътибор Амирова-2000 йил Қарши шаҳрида туғилган. У Қарши шаҳридаги 39-мактабда таҳсил олади. Қалби болалигидан шеъриятга ошуфта. Шеърлари вилоят газеталарида ёритилган. У Қарши шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар марказидаги “Ёш журналист ва нотик” шеърият клуби аъзоси.

ОНАЖОН

Онажоним, меҳрибонсиз,
Ширин сузларга бойсиз.
Бизни жуда севасиз,
Доим кулиб турасиз.

Аллаларни айтасиз,
Меҳрингизни берасиз.
Сизни доим севамиз,
Қадрингизга етамиз.

Юз ёшга киринглар деб,
Доим дуо қиласиз.
Меҳрлисиз ғамхурсиз,
Онажоним сарбонимсиз.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

Шерюрак акаларим,
Ватаннинг посбонлари.
Сиз борсизки хотиржам,
Отар юртим тонглари.

Сарҳадларда доим тик,
Огоҳ ҳар лаҳза, ҳар дам.
Сиз борсизки, биз тинч тотув,
Уқиймиз билмай ҳеч ғам.

УСТОЗ

Онамдайин меҳрибонимсиз,
Ғамхуримсиз, сарбонимсиз.
Билимларни ургатувчи,
Илмларнинг сиз конисиз,
Устозгинам, мумтозгинам.

Ҳаётдаги сиз созимсиз,
Волиддамдек азизсиз.
Устозгинам доносиз,
Омон булинг бахтимизга,
Раҳмат деймиз доим сизга.

ҚУЁШ

Булутларни оралаб,
Қуёш бобо муралаб.
Бизга тезда боқади,
Жилмайиши ёқади

ТУТ

Оқ-қизил марварид тут,
Таъмини ёдда тут.
Мураббосини еймиз,
Қишда роҳатланамиз.

Тут жуда ҳам шириндир,
Витаминга у бойдир.
Тутни биз доим еймиз,
Экканга раҳмат деймиз.



Шаҳноза Жумақуллова-1998 йил Китоб тумани Жайронхона қишлоғида туғилган. Ҳозирда Қарши шаҳридаги 45-мактабда ўқийди. Шаҳнозанинг шеърятга болалигиданоқ ҳаваси узгача. Мактабда ўтказилган бадиий-тематик кечаларнинг шеърӣ-сценарийсини ёзиш унинг жони дили. У Қарши шаҳар “Баркамол авлод” болалар марказидаги “Ёш журналист ва нотӣқ” шеърӣят клуби фаол иштирокчиси.

ЮРТ

Тошкент пойтахтимиз миллий кўркимиз,
Самарқанд, Бухоро бизнинг мулкимиз.
Авлиё боболар ҳоқи шундадур,
Шундан зеболанур бизнинг юртимиз.

ЗУЛФИЯХОНИМ

Сиз шеър учун туғилган хоним,
Абадий йулингиз илҳомга тўлсин.
Баҳор зийнатини бердингиз шеърға,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин.

ХАЛҚ

Биз чинакам халқмиз,
Чинакам миллат.
Қудратли дарёга,
Айландик бизлар,
Ҳаётга умид билан.
Қадам қўйдик биз,
Доимо бунёдкор,
Бизнинг халқимиз.
Бизникидир дунёлар,
Субҳи содиқ саҳарларда.
Мустажобдир дуолар,
Бошимизда қанот қоқар.
Тушга кирган ҳумолар,
Кунгил озод, ватан обод.
Бизникидир дунёлар,
Юрт тинчлиги, эл равнақи,
Мақсади аъмолимиз.
Кундан кунга нурафшондир,
Толеи иқболимиз.
Истибоднинг кишанлари,
Узилгани рост бугун.
Қадрин топиб жиловланар,
Мустақил ватан бугун.
Ўзбек элим шавкатига,
Жаҳонийлик хос бугун.

ОНАЖОН

Онажоним, сиз кулсангиз,
Менинг кунглим тулади.
Хурсанд булиб юрсангиз,
Куриб кўзим кулади.
Ранглар қунса юзингизга,
Уйга ботаман мен ҳам.
Мен ухшайман ўзингизга,
Кулиб юрингиз ҳар дам.

БОБОЖОН

Бобожон, сизни олган дунё,
Наҳот энди кузи тук.
Кенг қолдими бу дунё,
Сиздек бобом энди йўқ.
Кеча, кундуз чеҳрангиз,
Куз унгимдан кетмайди.
Алам ва ҳасратларим,
Поёнига етмайди.

БАҲОР

Дарахт ҳам куртаклар
Ёза бошлабди.
Айиқ ҳам уйқудан
Тура бошлабди.
Сойларда сувлар ҳам
Тошга урилиб,
Шилдираб куй чалиб
Оқа бошлади.
Дустларим, юртимизга
Баҳор келибди.

БОЙЧЕЧАК

Ташқарида баҳор ҳавоси,
Қунгилларда булбул навоси.
Бойчечаклар бошин кутарди,
Ой чехралар гулдай яйрайди.
Воҳаларда бодом гуллайди,
Сен баҳорни бошлаб келибсан.
Мажнунтолнинг боши эгилган,
Тоглар қуйни гулларга тулган.
Боғлар қуйни гуллайди оппоқ,
Яшил олам ёзади япроқ.
Баҳор ҳавосидан яйрайди тупроқ,
Қалдирғочлар парвози шухроқ,
Сен баҳорни бошлаб келибсан.

МУНДАРИДА

Самимий туйғулар.....	3
Насиба Ибрагимова	
Онажоним.....	5
Олтин қанот.....	6
Гузал ҳаёти бор ўқитувчининг.....	6
Баркамол авлод.....	7
Қалдирғоч.....	7
Ажойиб совға.....	8
Шаҳноза Чориева	
Узоқ умр тилайман.....	9
Орзуларим.....	10
Мустақил Ватан.....	10
Наврўзим.....	11
Баҳор.....	11
Мафтуна Жураева	
Болалигим.....	12
Ўзбегим қизлари.....	13
Юртим баҳори.....	13
Ота-онам дуолари.....	14
Устоз.....	14
Истиқлолнинг 21 йиллигига.....	15
Она тилим.....	15
Асилбек Нурматов	
Синглим.....	16
Оймоможон.....	17
Бобожон.....	17
Капалак.....	18
Синфдошларимга.....	18
Нол.....	19
Кабутар.....	19
Эътибор Амирова	
Онажон.....	20
Ватан посбонлари.....	21
Устоз.....	21
Қуёш.....	22
Тут.....	22
Шаҳноза Жумақулова	
Юрт.....	23
Зулфияхоним.....	23
Халқ.....	24
Онажон.....	25
Бобожон.....	25
Баҳор.....	26
Бойчечак.....	26

АДАБИЙ - БАДИИЙ НАШР

ЁШЛИК БАҲОРИ

Мухаррир: Ю. Зиёдов.
Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ: Ю. Зиёдов.
Саҳифаловчи: Ш. Холмуродова.

Нашриёт лицензия № АІ 139, 27.04.2009 йил. Теришга 03.01.2013 йилда берилди. Босишга 20.02.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Офсет қоғози. Times TAD гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоғи 1,47. Нашр босма табоғи 0,66. 118-2012-шартнома. 7-бўйртма. 150 нусхада. 28 бст. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кучаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кучаси,
22-уй.